



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлғи. А.Умурзақовга

### Техник шарт

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрель кунги ПК-5088 сонли қарорига асосан Қувасой шаҳар Пакана МФЙ ҳудудида ташкил этилаётган Бунёдкор ёшлар кичик саноат зонасини муҳандислик-коммуникация тармоғлари билан таъминлаш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилиши таълаб этилади.

### Ичимлик суви бўйича:

Қувасой шаҳар Пакана МФЙ ҳудудида ташкил этилаётган Бунёдкор ёшлар кичик саноат зонасини ичимлик сув тармоғлари билан таъминлаш мақсадида **уланиш нуқтаси:** ҳудудга 1 дона ичимлик тик сув қудуғи қозиш, лойиха асосида хажми аниқланиб 2 дона сув сақлаш ховузи (резервуар) қуриш, гидрогеология ҳулосасига асосан 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, лойиха асосида 1 дона трансформатор ўрнатиш ва электр энергия тармоғига тортиш, замонавий сув ва электр хисоблагичлар ўрнатиш, автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (поплавок) ўрнатиш, II-кўтариш насос станцияси қўриш ва лойихага мос насослар ўрнатиш, ичимлик сувини зарарсизлантириш биноси қуриш ва лойихага мос ускунаси билан жихозлаш, ҳамда лойиха асосида диаметри аниқланиб узунлиги 2,0 км SDR17 S8 турдаги полиэтилен 8,0 (АТМ) босимли ичимлик сув қузури замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ талабларига ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда иншоот ҳудуди ўралиши ва замонавий ёритгич чироқлари билан таъминланиши таълаб этилади.

### Оқава сув бўйича:

Қувасой шаҳар Пакана МФЙ ҳудудида ташкил этилаётган Бунёдкор ёшлар кичик саноат зонасини оқава сув тизимлари билан таъминлаш мақсадида **уланиш нуқтаси:** Гуллола кўчасида мавжуд Д-400 мм ли магистрал оқава сув коллекторига лойиха асосида 1,0 км оқава сув тармоғи қуриш ишларини ШНҚ, ҚМҚ, СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши таълаб этилади.

Қувасой шаҳар Пакана МФЙ ҳудудида ичимлик ва оқава сув тармоқларини қуриш ва мтонаж қилиш даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида тегишли корхоналардан ҳулоса олиш кўзда тутилсин.

Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган ҳолда амалга оширилиши ва давлат экспертиза ҳулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари

амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилган холда ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда ушбу лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014йил 15июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари **келишилмаган** ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига зга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**  
Бош муҳандиси:



**И.Абдуллаев**